

ЎЗБЕКИСТОН МАТВУОТИ

PRESS ПРЕССА

OF UZBEKISTAN УЗБЕКИСТАНА

Журнал 1918 йилдан чиқа бошлаган.

MA'NAVIY-MA'RIFIY, ILMIY-SIYOSIY JURNAL

№ 2-2017 (676)



1 октябрь – Ўқитувчи ва
мураббийлар кuni





Баходир КАРИМОВ,
филология фанлари доктори.

XX АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАРИ МАТБУОТИ

Бу даврда Назир Тўракулнинг ўрни

Назир Тўракул имзоси 20-йиллар ўзбек матбуотида тез-тез кўзга ташланади. Унинг “Дарвеш”, “Намақоб”, “Обнамак”, “Обшўр” каби имзолар билан шеър, мақола ва фельетонлар ҳам ёзгани маълум. Таассуфки, ҳозирга қадар 20-йиллар ўзбек матбуотидаги Назир Тўракул қаламига мансуб асарлар жамланиб, масхус ўрганилган эмас. Аслида XX асрнинг долғали ва энг мураккаб муҳитини теранроқ тасаввур қилиш учун ўша даврдаги ҳар бир қалам эгасининг ёзганларини ўқиш, ўрганиш, таҳлил ва талқин қилиб, баҳосини бериш фойдали ишдир. Шунда яқин тарихнинг ҳар бир саҳифасидаги манзара ойдинлашиб боради.

Назир Тўракулнинг “Жонлар орасинда” (“Иштирокюн” газетаси, 1919 йил 5 август), “Худо берсун?” (“Иштирокюн” газетаси, 1919 йил 5 декабр), “Шоирға” шеърида (“Иштирокюн” газетаси, 1920 йил 14 март), “Омон бўлсун Парғона” (“Қизил байроқ” газетаси, 1921 йил 20 декабр) каби айрим шеърлари охирига “Дарвеш” тахаллусини қўяди. Унинг шеърлари ўқувчида ҳаваскор бир қалам эгасининг кўнглини бўшатиш учун ёзган машқларидек таассурот қолдиради. Тасаввур учун 1919 йил 31 июлда ёзилган “Жонлар орасинда” шеърини тўла келтирамиз.

**Безди кўнглим, бўлди барбот,
Суғға, елға юзланмадим.
Ой ва йиллар учди жоним,
Эгилмадим, тизланмадим.
Қотинларнинг изларидан,
Кезмадим ҳам, кезланмадим.
Бозордағи бўёвларни,**

**Суртинмадим, безанмадим.
Заволлилар чап ёнинда
Изландилар, изланмадим.
Устка тепган ҳайвон ила,
Кирланмадим, ўзгармадим.
Ўчиб, отсиз йўғалурман,
Мен ёмониким, йўғалурман,
Басланмадим, тусланмадим.**

Шеърдан муаллифнинг ўзига хос қатъияти ва руҳий кайфиятини сезиш қийин эмас. Кўнгли кўп нарсадан безган, аммо у эгилишни, тиз чўкишни истамайдиган бир инсон. Зотан ўз, йўлида қатъий турган собит одам ҳар хил тусга киришни, сўзини елга совуришни хоҳламайди.

“Қизил байроқ” газетасининг 1921 йил 20 декабрь сонидан босилган “Омон бўлсун Парғона” шеъри ўн бир банддан иборат. Унда даврнинг ижтимоий руҳи кучли:

**Мактабларни ёндирса,
Парғона бутун қон бўлса,**

**Наспуруш, банги хон бўлса,
Омон бўлсун Парғона!..**

**Қўш ҳўкизга шарият,
Дахли нима, тариқат,
Шуми энди ҳақиқат?
Омон бўлсун Парғона!**

**Миллатни солди жаҳолат,
Чуқуриға шақоват,
Тезрак битсун залолат,
Омон бўлсун Парғона!**

Шеърда пичинг, киноявий пафос ҳам хукмронлик қилади, айна чоқда залолатдан қутилишга қандайдир умиди ҳам бор. “Шоирға” шеърида (Иштирокюн 1920 йил 14 март) “Қилич каби ўткир тиллик”, “Денгиз каби улуғ диллик” ўзи билан ёнма-ён ижод қилаётган шоирга:

**“Жабру зулм, зулму зиндон
Кишанлардан сен фарёд қил,
Жамият дўст, дўст инсон!
Вайронларни сен обод қил!”**

деб тилак билдиради. Эҳтимол, бу тилакни “кишанлар”у “вайроналар”га кўп мурожаат қиладиган Чўлпонга нисбатан айтгандир. Нима бўлганда ҳам шоирларни зулмга, ҳақсизликка қарши адолат учун қалами билан курашиш зарурлигини шеърий йўсинда эслатади. Назир Тўракул махсус шеърий китоб эълон қилмаган, у шоирликка ҳам даъвогар эмас. Аммо унинг фаол бир зиёли инсон сифатидаги даврга, ижтимоий ҳаётга, вақтли матбуот ва миллий масалаларга нисбатан ўз қарашлари борлиги ёзган асарларидан сезилади. “Янги йилга на тилар эдим?” мақоласида (“Иштирокюн” газетаси, 1920 йил 6 январь) ижтимоий ҳаётдаги иллатлардан тўққизтасини махсус рақамлаб, тилак йўсинида баён қилади. Дейлик таълим тарбияга диққат қаратиб ёзади: “Муаллимларимизнинг баъзилари мактабдаги болаларнида бир оз хурмат қилиб “кўппак ўғли кўппак” деб урмасалар эдилар. Чунки болаларда оғрий, яхшироқ муомала қилишқа лойиқдурлар”.


Матбуотда ноҳолис ва ғайритабиий ҳолатларга дуч келса, уларга албатта муносабат билдиришни ўзининг инсоний бурчи – деб санайди. Дейлик, унинг “Нўноқлигимиз” мақоласи (“Қизил байроқ” газетаси) Ғози Юнуснинг “Ўзбек матбуоти ҳоли” сарлавҳали мақоласига муносабат тарзида ёзилган. Муаллиф ўқувчига “ғайрисаҳиҳ ва ғайрисалим тасаввур” бериши мумкин бўлган ҳолатнинг олдини олишни истайди. Ўз давридаги ўзбек матбуоти-га ёндош равишда қозоқ, қирғиз, туркман матбуотининг ҳолини ҳам ўрганиб, улар тўғрисида маълумот беради. Миллатлараро тенгликка диққат қаратади. Шу жиҳатдан “Бу мамлакатда мажусиятдан тортиб бобийликкача, қадимчиликдан тортиб

анархизмғача қанча мазҳаб, қанча маслак бўлса, ҳар қайсисиға мадҳ ва сано ўқуб юртни тарғиб ва ташвиқ қилмоқға ҳаққимиз бордир”, деган фикрларни ёзади.

Назир Тўракулнинг Туркистонда истиқомат қиладиган туркий халқларни бирдамликка чақирадиган “Ўзбек қариндошларимизнинг диққатларига!” сарлавҳали (“Қизил байроқ” газетаси 1922 йил 27 май) жиддий мақоласи бор. Унда жуда муҳим миллий-маданий ва ижтимоий масалаларни муҳокама этар экан, шундай теран бир мулоҳазани баён қилади: “Бизнинг эътиқодимизча: мустамлакачиликка қарши – танда жон, юракда дам бор – олишмоқ, тортишмоқ ва шул бечора мамлакатни улуғ йўлга – нажот йўлига олиб чиқмоқдир. Ўз юртимизни яхши кўраимиз. Бошқа юртларни-да, шул даражада яхши кўраимиз.

Бу риёкорлик эмас, чунки бошқа инсонларнида эҳтиром эта билмаган киши ўз юртини-да эҳтиром эта билмас. Киши қадрини билмаган ўз қадрини-да билмас. Бу қуруқ дастурда эмас, балки энг ҳаётий, амалий бир қоидадир: Туркистоннинг бахти ва саодати: туркман, ўзбек, қирғиз ва қозоқ меҳнаткашларининг баробар ҳимматларига, сутсиализм ва оғайнилик йўлида ҳаракат қилмоқларига мувофиқдир. Бошқа йўл йўқ”.

20-йиллар матбуотида Назир Тўракул билан Жулқунбой, яъни забардаст ўзбек адиби, биринчи романнавис Абдулла Қодирий ўртасидаги бир қанча масалалар бўйича жиддий баҳслар кузатилади. Назир Тўракулнинг “Ўзбек қариндошларимизнинг диққатларига!” номли баённома руҳидаги мақоласи матбу-



отда босилгандан кейин унга муносабат билдириб, Абдулла Қодирий “Ҳақиқат – очиб сўзлашдадир” (“Қизил байроқ” газетаси 1922 йил 16 июн) деган мақола билан чиқади. Назир Тўрақул билан айрим масалаларда, жумладан, “сарт” сўзининг қўлланиш доираси ҳақида баҳслашади. Мақола охирида эса Жулқунбой “Сўзимиз охирида “Баённома”даги биродарона сўзланган насиҳатларга биз чин кўнгилдан қулоқ берамиз”, деб таъкидлайди.

Жулқунбой баҳсдошининг фикр ифодасига эътибор бериб айтади: “Ортиқ қизилгон, адаб доирасидан чиқиб бўлса-да, сўкиб қолмоқ кўзда тутилгон, шаънга лойиқ келмаган ҳаракатлар ҳам бўлгон. Куча сукишларини келтуруб, тақдиси-эҳтироми зиммамизга юклатилиб қолдирилгон, матбуот риюси ҳам эсдан чиқарилган”. Назир Тўрақулнинг “Жасорат”и Жулқунбойда ана шундай таассурот қолдирган эди.

Аммо Назир Тўрақул билан Жулқунбой ўртасидаги баҳс шу билан тўхтаб қолмайди, балки жуда қисқа бир фурсатда мунозара мавзуси бошқа масалаларга кўчиб давом этади. Орадан икки кун ўтиб, газетада Жулқунбойнинг “Матбуот” сарлавҳали (“Қизил байроқ” газетасининг 1922 йил 18 июн) мақоласи босилади. Адиб унда Назир Тўрақул муҳаррирлик қилаётган “Инқилоб” журналининг ходимлари “қурама” бўлиб, “уч қозоқ, тўрт ўрис, етти татар, бир тожик, уч ўзбекдан иборат”лигини, шу сабабли журнал тили “ярадор” эканини айтади. Жулқунбой мақоласида танқидий руҳ кучли бўлиб, бу ҳол журнал муҳарририга маъқул келмайди. Шунинг учун Назир Тўрақул “Жасорат!” (“Қизил байроқ” газетаси, 1922 йил, 24 июнь) мақоласи билан майдонга отилиб чиқади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 20-йиллар матбуоти учун мақолаларни деярли таҳририят таҳририсиз, муаллифнинг ўз услубича эълон қилиш ва тортишувларда “рақиби”нинг шахсиятини бир оз сўкиш, ўринсиз иборалар қўллаб, баҳс-мунозара этикасини бузиб, жиндак одоб-ахлоқ чегарасидан чиқиши табиий ҳолга ўхшаб кўринади.

Назир Тўрақул мақолани шундай бошлайди: “Жулқунбой мени сўймакчи, лекин пичоғи ўтмас. Жулқунбой мени тепмакчи, аммо оёғи қисқа, нима қилсун бечора?!”

Матбуот майдони очик, бўш. Кўринган киши йўқ. Бор бўлса-да кўрсатарлик иши йўқ.

“Балиқ бўлмаса, қисқичбақа балиқ ўрнини (сар)” деган ўрис мақолига мувофиқ эр бўлма ҳезалаклар ҳам қаторга кириб қолар. Ш ҳолатни биз ҳозир ижтимоий ҳаётимизда кел бир миқёсда бўлиб ётқонини машоҳада э оламиз:

Ўқитқич кўб – ўқитғувчи йўқ. Ёзғич кўб ёзғувчи йўқ. Ғирингчи кўп – танқидчи й Алҳосил эркак кўп – эр йўқ. Буларга: “Ҳ муаллим, муҳаррир, танқидчи, сиёсийон

билбар! Ҳар қайсиларингиз кучингиз: қараб кучансангиз-чи!” деган киши йўқ

Айнан, Жулқунбойга нисбатан яна йидаги гапларни ёзади муаллиф: “Б хислати бор: жасорат, бепоён жасорат. Масалан, миллат дарёси масаласи с дидан чиқар экан, жасуруна от кўй дарёга ўзини ташлар...”

Унингча, тафаккур – таассубдир, э диша – хурофот, мулоҳаза – жаҳолат дир; риюя – “аксил-ҳаракат”дир... Ж сур, фақат бечора, бенаво, ғариб. Ғар йўлдошим! Йиғлайинми, кулайини аҳволинга?”

Назир Тўрақул “Инқилоб” таҳририятининг тули миллат вакилларида таркиб топишида ҳ бир ғайритабиийлик йўқлигини исботлаш уч 1906-1914 йиллари чоп этилган “Вақт”, “Қуё” “Он”, “Шўро”ларнинг фаолияти ва таркиби мисол қилиб келтиради: “Эндигина оёққа тур келаётган ўзбек, қозоқ, тожик адабиётлари, татар, ўрисларнинг ишламагидами таажж қиласиз, Жулқунбой? Ё уларнинг шул мамл катнинг бахти ва саодатига хизмат қилмоқ э зифаси ва ҳақлариними инкор этасиз? Ё ула данми ўзимизни маданияроқ, маърифатлир кўруб, сизни орқангиздан жўртайлиқ? Ё Турки тон қоронғулиққа ботиб, зулмга эзилиб ётқ чоғларида Исмоил Гаспринскийнинг шогирдл ри келмай, холабаччамиз келиб жадид макта лари очиб хизмат қилдими?”

Назир Тўрақул журналда фақат Абай ё Тўқай асарларидан эмас, балки “хоҳласал: чулчут санъатидан намуналар кўрсатмак” в зифалари эканини таъкидлайди. Хуллас, Назир Тўрақул бир оз қизишди ва Жулқунбойни танқидий қарашларини киноя билан “жас рат” деб номлади. Абдулла Қодирий бун “Жасорат айб эмас” (“Қизил байроқ” газетас 1922 йил, 1 июль) жавобини ёзди. Жулқунбой баҳсдошининг фикр ифодасига эътибор б риб айтади: “Ортиқ қизилгон, адаб доирасид: чиқиб бўлса-да, сўкиб қолмоқ кўзда тутилғо шаънга лойиқ келмаган ҳаракатлар ҳа

бўлгон. Кўча сўкишларини келтуруб, тақдиси-эҳтироми зиммамизга юклатилиб қолдирилгон, матбуот риояси ҳам эсдан чиқарилган”. Назир Тўракулнинг “Жасорат”и Жулкунбойда ана шундай таассурот қолдирган эди.

Аслида, ҳар икки зиёлининг ҳам истаги ифвогарлик ёки бировга кераксиз тошни отиб, ҳақорат қилиш эмас. Балки халқнинг маънавий олами, илм-маърифати ва онг-сезимини янада юксалтириш йўлида матбуотнинг хизмати катта эканини, танқид билан ундаги баъзи камчиликлар тузалса, ўша хизмат, ўша масъулият салмоғи ва салоҳияти ортишини уқтириб қўйиш эди.

Назир Тўракул мақолаларига хос икки хусусиятни таъкидлаш лозим.

Биринчидан, у ўз мақолаларининг бошланишига жиддий эътибор беради. “О жоним, мусулмоннинг, алалхусус, Туркистон мусулмонининг нима тилаклари бўлсун?” “Жулкунбой мени сўймоқчи...” каби ўқувчининг диққатни тортадиган гап билан бошлайди.

Иккинчидан, мақолалар бошланишида “Кўб яшаган билмас, кўб кезган билар”, “Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл”, “Тўн киймаган тўн кийса, Қоға-қоға тўздирар, От минмаган от минса, Чопа-чопа ўлдирар” каби бир қанча халқ мақолларидан эпиграф сифатида фойдаланади. Мақола таркибида фикр қуввати учун ҳам мақоллар қўллади.

Назир Тўракулнинг фаолияти фақатгина матбуотда ёзган асарларидан иборат эмас. У Москвадаги Иттифоқ халқлари Марказий нашриётига бошлиқ бўлган йиллари қўлидан келганича маслакдош мусофир зиёлиларга ёрдам беради. Шунингдек, ўз замонасининг зукко зиёлиси сифатида ўша нашриётда босилган бир қанча китобларга сўзбошилар ёзади. 1923 йилнинг сентябрида Фитратнинг “Қиёмат” китобига ёзган бир-икки сўзида шундай фикрлар бор: “Фитратнинг “Қиёмат” деган бу ҳикояси Ўрта Осиё ўзбек адабиётида, ўз бобида бошқача бир ҳикоядир. Уйғониб, диний хурофот билан кураша бошлаган элларда шу мавзуда бир неча ҳикоялар бор. Масалан, италянчадан дунёнинг бутун маданий тилларига таржима этилган “Мазҳака илоҳий” (“Божественная комедия”) борки, “маҳшар” куни риёкорларнинг кўражак “азоби алим”ларини кўрсаткан. Ҳозирги Туркистоннинг хурофот ва тасаввурлари бир ёндан қарағонда ўрта асрлардаги Италиянинг хурофотига ўхшаб тушади, тарих ёғидан энг бурун кўзга тушиб турғони шу. Бу ҳикоянинг энди амалий фойда

ёғиға келсак табиий бизга, бизнинг ишларимизга зўр фойдаси бор. Фойдаси шулки, хаёлда гўзал ва мафтун кўринган бир “бинони” энг кулги ва энг оддий ёндан кўрсатиб хаёлга мойил кишиларнинг “ҳавсалаларини” пир қилиб қўядир. Ёшларнинг моддийон руҳида тарбияси учун “Қиёмат” бу сабабдан муфид бир ҳикоядир”. Шу қисқа кўчирмадан ҳам Назир Тўракул адабий билимининг кўламини тасаввур қилиш, яъни дунё адабиётидан ҳам бохабарлигини билиб олиш қийин эмас.

1926 йилда Садриддин Айнийнинг Бухоро тарихига бағишланган асари босилади. Назир Тўракул китобга “Бош сўз” ёзади. Унда: “Айнийнинг ўзи китобини Бухоро инқилобининг тарихи деганга яқин бир мазмунда атаган”ини, аслида у китобга “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” номи мувофиқ келишини таъкидлаб, Айнийнинг китобига муносиб ном қўйишда кўмаклашади. Бундаги тарихий манбалар “мамлакатни танимоқ, унинг паст ва баландидан хабар” топишда ёшларга “улғи-ўртак бўлиши”га урғу беради.

Шунингдек, Назир Тўракул Фитратнинг “Бедил” асарига ҳам махсус сўзбоши ёзган эди. Умуман, бундай маълумот-сўзбошилар Назир Тўракулнинг Ўзбекистон адабий-маданий ҳаётига фаол аралашганидан, фикрининг теранлигидан дарак беради.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”даги (2005 йил, 9-жилд, 14-бет) Назир Тўракулга бағишланган мақолада, афсуски, маълумотлар етарли бўлмаганидан, унинг 1922 йилдан кейинги ҳаёти ёритилмабди. Интернетда қўйилган Элёр Тўрақуловнинг “Истиқлолга ташна ўтган бобом – Назир Тўрақулов” номли мақоласидан бу тарихий шахснинг 1928-1936 йиллар орасида чет элларда собиқ Иттифоқнинг элчиси бўлгани ҳамда бу зиёли инсон ҳақида хорижда “Биринчи элчи – Назир Тўрақулов”, “Назир Тўрақулов – фавқулдда ва мухтор элчи” номли китоблар ёзилгани айтилади. Тўғриси, бундай китоблар билан ўзбек адабиётчи ва тарихчи олимлари ҳам танишса, “ЎзМЭ”сининг кейинги нашрларида Назир Тўрақулга оид маълумотлар нисбатан тўлдирилар эди.

Хулоса қилиб айтганда, истеъдодли ўзбек зиёлилари қаторида 1937 йилда ҳақсиз қатл этилган Назир Тўракулнинг XX асрнинг 20-йиллари ўзбек ва қозоқ матбуотидаги фаолиятини кенг қамровли, махсус тадқиқ қилиш, унинг асарларини жамлаб, алоҳида китоб ҳолида нашр эттириш лозим.